O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYA PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 19-iyun • Payshanba • 75 (27.880) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллигини муносиб кутиб олиш, ушбу буюк сананинг моҳияти ва аҳамиятини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак даражада ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 25 июнига қадар «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғи, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, энг улуғ ва энг азиз айём эканини чуқур очиб беришга қаратилган маданий-маърифий анжуманлар, суҳбат ва учрашувлар уюштириш;

истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам гарови бўлиб келаётганини оммавий тадбирлар орқали акс эттириш;

мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганини ҳар томонлама кенг тарғиб этиш;

ўтган давр мобайнида кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги ошиб бораётганини, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини ифода этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

диёримизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн етти йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда жорий йилнинг 1 июлига қадар республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган дастурларни ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу дастурларда белгиланган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар учун «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» республика танловини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

8. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 12 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БОЛАЛИКДАН НОГИРОНЛАР ТУҒИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлашни таъминлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болалар ногиронлигини қисқартириш мақсадида:

1. 2008-2012 йиллар даврида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Давлат дастури сифатли ва ўз вақтида рўёбга чиқарилишини амалий равишда мувофиқлаштириб, давлат буюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб боришни таъминласин.

2. Белгилансинки, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш, 2-иловага мувофиқ, соғлиқни сақлаш муассасаларига ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағлари, шунингдек, «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Мазкур Давлат дастурини амалга ошириш доирасида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган реагентлар, сарфлаш материаллари, шифобахш болалар таомлари, дори-дармонлар ва бошқа товарлар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Давлат дастурини амалга ошириш доирасида тузилган импорт контрактларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда Давлат дастурини амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар ва ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил қилсинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Ф.Ш.Акбарова зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 18 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ «БОЛАЛИКДАН НОГИРОНЛАР ТУҒИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-892-СОН ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келди. Мана шу вазифаларни ҳал этиш учун 1998 йилдан бошлаб республикада ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун ҳомиладор аёллар ва чақалоқларнинг туғма ва бошқа патологиясини барвақт аниқлаш чора-тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Аҳолига тиббий-генетик ёрдам кўрсатилишини, соғлом болалар туғилиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлғуси оналар ва чақалоқлар текширувдан (скрининг) ўтказилишини таъминлайдиган махсус тиббиёт тизимини ташкил этишга асосий эътибор қаратилди.

Ўтган давр мобайнида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан биргаликда Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида она ва бола скрининги 11 та маркази ташкил этилди ва улар замонавий ташхис аппаратлари билан жиҳозланди. Ушбу марказлар ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни текширувдан ўтказадилар.

(Давоми 2-бетда)

☑ **Ўзбекистон — умумий уйимиз**

«МАҚСАД БИР, ҒОЯ БИР, ВАТАН ЯГОНА!»

Бу шиор Наманган вилоят ҳокимлиги, Республика Байналмилал маданият маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Наманган давлат университети ҳамкорликда ўтказган анжуманнинг бош мавзуи эди. Чунки бу оташин сўзлар бугун вилоятда яшаётган 90 га яқин миллат ва элат вакилларининг юрак тубидан отилиб чиққан. Тинч-осойишта ҳаётимиз, ҳамжиҳатликда эришаётган ютуқлар, миллати ва дини турлича инсонлар ўртасидаги аҳил-иноқлик, дўстона муносабатлар фикримизга далил бўла олади.

Вилоят марказидаги Тинчлик майдони, Наманган давлат университети ҳамда Бобур номли маданият ва истироҳат боғини қамраб олган анжуман ана шундай баҳамжиҳатлигу барқарорликнинг ифодасига айланди. Тадбирда вилоятда фаолият кўрсатувчи миллий-маданий марказларнинг фаоллари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчи ҳамда талабалари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

4-бет

☑ **ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

«ТАРҒИБОТ ИШЛАРИГА МАСЪУЛМИЗ»

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ижросини таъминлаш бўйича ЎзХДП Тошкент вилоят ташкилотларида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бўстонлиқ туман кенгашида бўлиб ўтган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг навбатдаги машғулоти ҳам шу мавзуга бағишланди. Унда туман партия кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, депутатлар, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қаноти аъзолари қатнашдилар.

Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов Жамоатчилик қабулхоналари томонидан электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ҳуқуқий маслаҳат ва кўмак бериш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Бўстонлиқ туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида партия фаоллари ва депутатлар, юристлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари навбатчилик қилиб, электоратга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келаётганини таъкидлади. Йил бошидан буён 43 нафар фуқарога ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Ундан ташқари, партия кенгашининг 39 нафар тарғиботчиси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни тушунтириш бўйича меҳнат жамоалари, маҳаллалар ва ўқув муассасаларида мунтазам иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни жаҳон ҳамжамияти қизғин кутиб олаётгани ва қўллаб-қувватлаётганини таъкидлади.

Йиғилганлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси моҳияти, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши, Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, жиноий жазоларни либераллаштириш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан мунозара юритдилар. Партия ташкилотлари ва фаоллари мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни кенг тарғиб қилишда иштирок этиши, бу улар зиммасига катта масъулият юклаши айтиб ўтилди.

(Ўз мухбиримиз)

Улуғ бобокалонимиз Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний юртида энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик кунига муносиб совға ҳозирланмоқда. Бугун қатор янги мактаб ва касб-ҳунар коллежларида қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

ЯНГИ БИЛИМ ВА ҲУНАР МАСКАНЛАРИ

фойдаланишга топширилса, Ғиждувон туманида яна уч юз киши иш билан таъминланади

Файзулла Юнусов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаётган 28-мактаб биносининг қурилиши ана шулардан бири ҳисобланади. У янги лойиҳа асосида барпо этилаётгани боис кўпчиликни ўзига жалб қилмоқда. Яқин орада фойдаланишга топириладиган бу билим маскани янги ўқув йилида 630 нафар ўқувчини ўз бағрига олади. Саккизта ўқув корпуси, ошхона, кутубхона, спорт ва мажлислар зали, ишлаб чиқариш устахонасидан иборат бўладиган бу мактабни «Ғиждувон қурилиш профи» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этишмоқда.

Соктаре қишлоғида эса 540 нафар ўқувчига мўлжалланган саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи қурилишига давлат бюджетидан 2 миллиард 138 миллион сўм маблағ ажратилган. Бу объектни «1-вилоят қурилиш трести» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Ободкор-6» корхонаси жамоаси барпо этмоқда. 3 қаватли, 3 та ўқув корпуси ҳамда қишки спорт залига эга бўладиган бу масканда шу кунларда пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

— Илгарилари қишлоғимизда бундай чиройли бинолар бўлади, деса, ҳеч ким ишонмасди, — дейди меҳнат фахрийси Фармон Омонов. — Мустақиллик шарофати туфайли фарзандларимиз ўзи туғилиб ўсган жойда касб-ҳунар эгаллаш имкониятига эга бўлишди.

Мана шундай қулайлик ва имкониятга яқин кунлар ичида зарангарилик ёшлар ҳам эга бўлишади. Бу ерда қурилаётган педагогика касб-ҳунар коллежида 720 нафар ўқувчи касб-ҳунар эгаллабгина қолмай, балки қишлоқнинг ўнлаб ёшлари муқим иш ўрнига ҳам эга бўлишади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 18 ИЮНДАГИ «БОЛАЛИКДАН НОГИРОНЛАР ТУҒИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-892-СОН ҚАРОРИГА ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда туғма ҳамда ирсий патологияни барвақт аниқлаш давлат тизимининг ривожланиши натижасида чақалоқларни текширувлар билан қамраб олиш кўлами 1999 йилдаги 5,3 фоиздан 2007 йилда 83 фоизгача кўпайди, туғма нуқсонлар билан туғилган болалар сони эса 2000 йилга нисбатан 2007 йилда 14 фоиз камайди.

Шу билан бирга, бу ғоят муҳим соҳада ҳали бир қатор ҳал этилмаган масалалар сақланиб қолмоқда. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида скрининг марказларининг йўқлиги сабабли уларда аёллар ва болаларни скрининг тадқиқотлари билан қамраб олиш кўлами ҳамон пастлигича қолмоқда. Туғма ва ирсий касалликларнинг бошланғич профилактикаси масалаларида аҳоли кенг табақалари, хусусан, ёшларнинг хабардорлик даражасини оширишга катта эътибор бериш талаб қилинади.

Соғлом авлодни ривожлантиришни таъминлаш, туғма нуқсонлари бўлган болалар сонини камайтириш ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида 2008-2012 йиллар даврида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тасдиқланди. Дастурнинг қабул қилиниши жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан чора-тадбирлар тизимини амалга оширишдаги муҳим бўғин ҳисобланади.

Дастурда назарда тутилган кенг кўламдаги вазифалар комплекси орасида энг аввало туғма ва ирсий касалликларнинг бошланғич профилактикаси такомиллаштирилишини қайд этиб ўтиш зарур. Ушбу мақсадларда аҳоли орасида, маҳаллаларда, шу жумладан тиббий-ижтимоий патронаж тизими орқали давра столлари, учрашув ва суҳбатлар ташкил этиш йўли билан туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш масалалари бўйича маърифий ишларни кенгайтириш назарда тутилмоқда. Дастурда никоҳдан ўтувчи шахсларнинг тиббий маданиятини оширишга, мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш масалаларига оид семинарлар, тренинг ва конференциялар ўтказишга алоҳида аҳамият берилади.

Дастурда Республика ва вилоятлар скрининг марказларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилади. Чунончи, Республика скрининг маркази қўшимча равишда аминокислота анализатори, қалқонсимон ва ошқозон ости безлари ирсий касалликларини аниқловчи диагностика аппаратлари, газ-суюқлик хроматографи билан таъминланади, бу эса диагностика ишлари даражасини оширади.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида минтақавий скрининг марказлар ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш кўзда тутилмоқда, бу эса мазкур вилоятлар аҳолисининг скрининг тадқиқотларидан фойдаланишини таъминлайди, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларнинг тадқиқотлар билан тўлиқроқ қамраб олинишига эришиш имконини беради.

Вилоятлардаги скрининг марказларини юксак даражада аниқлик билан ишлайдиган ультратовуш сканерлари, совутиш ускуналари, бошқа замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш тадбирлари белгиланган. Жорий йилнинг ўзидаёқ барча скрининг марказлари биоматериалга ишлов бериш учун электрон асбоблар билан жиҳозланади, бу эса диагностика жараёнини анча жадаллаштиради.

Скрининг марказларининг махсус автотранспорт билан жиҳозланиши бориш қийин бўлган, олис туманлардан қон намуналарини скрининг марказларига ўз вақтида етказиб бериш, аҳоли, энг аввало қишлоқ жойлардаги аҳолининг замонавий текшириш воситалари билан қамраб олинишини кенгайтириш имконини беради, ирсий касалликлари бўлган беморларни фаол аниқлаш, ирсий нуқсонли беморларни диспансер ҳисобига ўз вақтида қўйиш, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш каби юмушларни енгиллаштиради.

Мана шуларнинг ҳаммаси 2012 йилга бориб чақалоқларни скрининг текширувлари билан қамраб олиш даражасини 90 фоизгача ошириш имконини беради ва энг кўп учраб турадиган ирсий касалликларни ўз вақтида аниқлашни таъминлайди.

Туғма генетик касалликларга чалинган болаларни махсус шифобахш таом ва доридармонлар билан таъминлаш янада ривожлантирилади. 2003-2007 йилларда ушбу мақсадларга қилинган сарф-харажатлар 951,1 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, янги Дастурда 2008-2012 йилларда салкам 1,7 млн. АҚШ доллари ажратилиши назарда тутилмоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирлар скрининг марказларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга бевосита боғлиқдир.

Назарда тутилган чора-тадбирлар орасида Республика скрининг маркази ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизида умумий амалиёт врачлари учун тиббий генетика бўйича доимий фаолият кўрсатувчи ихтисослашув цикли, шунингдек, врачлар учун ультратовуш диагностикаси бўйича тренинг ҳамда лаборант врачлар учун илмий-амалий семинарларни ташкил этиш каби тадбирлар мавжуд.

Скрининг марказларида ишловчи мутахассислар малакасини етакчи чет эл марказларида доимий ошириб боришни ташкил қилиш, амалиёт врачлари учун ирсий касалликлар бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, етакчи хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда илмий семинарлар ва конференциялар ўтказиш тадбирлари белгиланган.

Дастурнинг катта ижтимоий аҳамиятини эътиборга олиб, уни амалга ошириш учун умуман 710,3 млн. сўм ва 15,0 млн. АҚШ доллари ажратиш кўзда тутилган.

Ҳомиладор аёллар ва чақалоқлардаги туғма ва ирсий патологиянинг олдини олиш ҳамда уларни барвақт аниқлаш Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш ирсий касалликлари ва туғма нуқсонлари билан туғиладиган болалар сонини камайтириш, хилма-хил ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш бўйича скрининг марказлари потенциалини халқаро даражага кўтариш имконини беради, мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш вазифаларини ҳал этишда муҳим қадам бўлади.

☑ ЎзХДП ҳаёти

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ

ўз мақсадларига эришяптими?

Бухоро вилоят партия кенгашида бўлиб ўтган семинар-кенгашда ана шу саволга жавоб изланди. ЎзХДП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов партия маҳаллий кенгашлари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказларининг фаолиятига эътибор қаратди.

— Ахборот-ресурс марказларини ташкил этишдан мақсад, аввало, партия аъзолари, электоратнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга амалий кўмак беришдан иборат, — деди у. — Бироқ барча туман партия кенгашлари ҳам бу ишга етарли эътибор қаратмаяпти. Қоровулбозор, Олот, Ромитан туманларида шу мақсадда фақат бурчаклар ташкил этилган, уларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ва адабиётлар етарли эмас. Бунинг устига, уларни моддий-техник жиҳозлаш ҳам талаб даражасида деб бўлмайди.

Бундай камчиликларни бартараф этишда ҳомийлар кучидан фойдаланиш, мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган тажрибали ходимларни жалб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Семинар кенгашда сўзга чиққан Ғиждувон, Қоракўл, Шофиркон туман партия кенгашлари раислари Акрам Нурбоев, Файзулла Бебутов, Баҳром Неъматовлар ахборот-ресурс маркази фаолиятини янада жонлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Ўз мухбиримиз)

☑ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

«ЁШ СИЁСАТЧИЛАР» ТАНЛОВИ

Ёшлар бугунги кун ва келажак эгалари. Мамлакатимиз келажаги айнан уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳаётий позицияси мустаҳкамлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Эртанги кун сиёсий етакчиларини тайёрлаш Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг энг асосий вазифаларидан биридир. «Истиқбол» ёшлар қаноти нафақат ёшлар орасига кенгроқ кириб бориш, эътиқодли, фаол йигит-қизлар ҳисобидан сафларимизни тўлдириш, улар орасидан ёш сиёсатчилар, бўлғуси депутатлар, партия сайланма органлари аъзолари ва етакчиларни танлаш, тарбиялаш борасида ҳам фидойилик кўрсатмоғи лозим.

Партия Урганч шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти қошида айнан ана шу мақсадларни кўзлаб, мана, бир йилдирки, «Ёш сиёсатчилар» клуби фаолият кўрсатмоқда. Клуб аъзолари сони ошиб бораяпти.

Жорий йилда партиямиз «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «Ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танлови эълон қилинган. Шаҳар партия кенгаши танловга тайёргарлик жараёнида ёшлар билан кўплаб учрашувлар ўтказди. Ёш авлод давлатимиз Конституцияси, амалдаги қонунларни қай даражада билиши ҳақида тадқиқотлар ўтказди. Шу аснода ёшларимизнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан яқин таниш эканликлари, юртимизда қонун устуворлиги масалалари уларни бефарқ қолдирмаётгани аён бўлди.

Кўрик-танловда қатнашиш истагини билдирганлар кутилганидан ҳам кўп. Шу боис, кўрикнинг шаҳар босқичида беллашувлар жуда қизғин кечди. Иштирокчилар партиямизнинг меъёрий ҳужжатлари ва фаолиятига оид саҳнавий кўринишларни, айниқса, қизиқарли, жонли ижро қилишди. Ёш сиёсатчи аввало, моҳир нотиқ бўлмоғи керак. Нотиқлик санъати — ноёб қобилият. Иштирокчиларнинг аксари бу борада ҳам тажриба тўплашга улгурганини намоён этишди.

«Ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танлови шаҳар босқичи кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Кўрикда Урганч давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейи тарих фани ўқитувчиси Эргаш Саидов ғолиб деб топилди ва вилоят босқичига йўлланма олди. Қатнашчиларга Урганч шаҳар партия кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Санобар БОТИРОВА,
Ўзбекистон ХДП Урганч шаҳар кенгаши раиси,
Барно МАТЧАНОВА,
«Истиқбол» ёшлар қаноти раиси.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири БМТ доирасида ҳамкорликни ривожлантиришдир. Турли йўналишларда, жумладан, одамлардан қонунга зилоф равишда фойдаланиш, уларнинг миграцияси ва савдосига қарши кураш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш борасида ҳам ҳамкорлик кучайтирилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 1949 йил 2 декабрда маъқуллаган Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида, 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенциялар ратификация қилинди. Ушбу ҳужжатларга қўшилиш билан Ўзбекистонда одам савдосининг олдини олиш бўйича ишлар янада амалий тус олди. Шу мақсадда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига одамлар, шу жумладан вояга етмаганлар савдоси учун жиноий жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимча киритиш эҳтиёжи туғилди. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада Кодексга одамлар савдоси учун жиноий жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ тегишли ўзгартиш ва қўшимча киритиш таклиф этилаяпти.

«Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Фурқат Ҳотамов маъруза қилди.

Мазкур қонуннинг мақсади қутқарув хизматлари фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этувчи қутқарувчилар, уларнинг оила аъзолари ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқий, ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз).

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

«КУЧ-ҒАЙРАТИМНИ ВАТАНИМГА САРФЛАЙМАН!»

Омонгул ТУРДИМУРОДОВА — Ўзбекистон Президенти стипендияси соҳиби, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти II курс магистри.

Омонгул болалигиданоқ бадиий ижодга чин дилдан қизикди. Кичик-кичик ҳикоялар ёзиб, матбуотда кўрина бошлади. Мулоҳазали публицистик чиқишлари билан эътиборга тушди. Қатор илмий мақолалари жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Унинг қаламига мансуб «Интернет болалар психологиясида», «Тарбияси оғир болаларнинг психологик хусусиятлари» каби мақолалари, қатор ҳикоялари ўқувчиларда яхши таассурот уйғотган.

— Ёшликнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишимиз керак, — дейди у. — Талабалик йилларимни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилиб, кўпгина ютуқларни қўлга киритдим. 2005 йилда «Келажак овози» Республика танловида «Бадиий ижод ва публицистика» номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. Худди шу йили бакалавр йўналишида Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлдим. Ёш ижодкорларнинг «Ақчакўл илҳомлари-3» республика танловида эса 1-даражали диплом билан тақдирландим. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларга яратилган кенг имкониятларнинг амалдаги натижаси деб биламан. Келажакда юртимиз равнақи учун бор билим ва куч-ғайратимни сарфлайман!

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

☑ «Абитуриент — 2008»

СИНОВ МАВСУМИ

Ёз кўпчилик учун саёҳат, дам олиш палласи бўлса, мактаб, коллеж ва лицей битирувчилари учун ҳаяжонли имтиҳонлар мавсуми — синов мавсуми. 20 июндан мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул қилина бошланади. Кейин тест синовлари, талаба бўлиш орзуси ушаладиган дамлар...

Бу йил тест синовларига ўзгартишлар киритилармиш деган тахминлардан абитуриентларнинг ҳаяжонлари янада кучайди, десак, янглишмаймиз.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз айнан шу масаладан бошланди.

— Ҳа, тест синовлари фанлар мажмуига ўзгартириш киритиш ҳақидаги таклифлар анчадан бери бор эди. Бу таклифлар гуманитар йўналишдаги таълим муассасаларига кириш учун тест синовларига математика, тиббиёт йўналишига физика, техник йўналишларга эса Ўзбекистон тарихи фанларини киритиб, мажмуани тўрттага етказишдан иборат бўлган.

Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича республика комиссияси бу масалани чуқурроқ ўрганиб ва таҳлил қилиб, тест синовлари фанлар мажмуини ўзгаришсиз қолдиришга қарор қилди.

Тест синовларини ўтказиш тартиби ҳамда фанлар бўйича тўғри жавобларни баҳолаш мезонларида ҳам ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

— Аҳолининг турмуш даражаси ошиб, ёшларнинг имкониятлари кенгайиб бормоқда. Яна бир тарафдан бозор иқтисоди шароитида ўз касбининг устаси бўлган малакали кадрларга талаб катталигини, айнан шундай мутахассислар ҳамма ерда қадрланишини одамлар яхши тушуниб қолишди. Бу нарса ёшларнинг олий таълим олишга интилишларида ҳам ўз аксини топаётган бўлса керак?

— 2003 йил олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар сони 217 минг нафар бўлган бўлса, ўтган йил бу рақам 345 мингга етди. Бу йиллар давомида умумтаълим мактабларини ҳар йили битираётганлар сони унчалик ўзгармаганини ҳисобга олсак, шу рақамларнинг ўзиёқ ёшларнинг олий таълим олишга интилиши йил сайин ошиб бораётганини яққол кўрсатиб турибди.

2008-2009 ўқув йилида кундузги бўлимларда бакалаврлар тайёрлаш учун ўтган йилдагига нисбатан 6396 ўрин кўп, яъни 58000 ўрин ажратилган. Шулардан 19 минг 945 таси давлат грантлари, 38 минг 55 таси эса тўлов шартнома асосида қабул қилиш учун мўлжалланган. Махсус сиртқи бўлимларга ажратилган 5605 ўриннинг 1265 таси давлат грантлари, 4340 таси тўлов-шартнома асосида. Магистрлар тайёрлаш квотаси 5500 ўринни ташкил этиб, 1510 тасига давлат гранти, 3990 тасига тўлов-шартнома асосида талабалар қабул қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мана бир неча йилдирки, грант асосида ажратилган ўринлар сони камаймади.

— Йиллар давомида ёшларнинг танлов-хоҳиши натижасида «нуфузли» сифати қўшиб айтиладиган таълим даргоҳлари пайдо бўлди...

— Ёшлар азалдан юриспруденция, тиббиёт, иқтисод йўналишларига қизиқадилар. Албатта, ҳар кимнинг ўз танлов ҳуқуқи бор. Кейинги йилларда бу соҳалар қаторига ахборот технологиялари йўналиши ҳам қўшилди. Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида ўтган йил ҳар бир ўринга 6,0 — 7,75 гача абитуриент тўғри келди. Қарши давлат университетида битта ўринга 11,5, Андижон давлат университетида 11,4, Термиз давлат университетида 11,06 талабгор тўғри келган. Тошкент давлат юридик институтида битта ўринга 7,6, Тошкент давлат педагогика университетида битта ўринга 9,56 талабгор тўғри келди. Тошкент давлат педагогика университетига энг кўп миқдорда — салкам 19 ярим минг абитуриент ҳужжат топширган. Қайси олий таълим муассасаси нуфузли эканлиги ҳақида ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

— Фақат абитуриентлар учун эмас, талабгорлар ичидан энг муносибларини танлаб олишдек масъулиятли вазифани бажарувчи Давлат тест маркази ходимлари учун ҳам синов палласи бошланди, десак, янглишмасак керак?..

— Бу синовга аслида йил давомида тайёргарлик кўрамиз. Ҳар йили янги тест саволларини экспертизадан ўтказиш, аудиторияларни тайёрлаш, жамоатчилик асосида жалб қилинадиган кузатувчилар билан ишлаш, абитуриентлар учун саволлар китоблари, жавоблар варақларини нашр этиш узлуксиз давом этадиган жараён.

Қабул мавсуми бошланиши билан ишимиз тиғизлашади, аммо замонавий ахборот технологиялари туфайли вазифамиз анча енгиллашган. Барча олий таълим муассасалари қабул комиссиялари Интернет орқали тест марказига уланган — бугун ҳужжат топширган абитуриент танлаган йўналиш, қайси тилда тест топшириши ҳақидаги маълумотлардан шу куниёқ бохабар бўламиз. Тест жавоблари оптик сканерларда ўқилиб, натижаларни компьютерлар ҳисоблайди. Тест синовлари жорий этилган дастлабки йилларда натижаларни ҳисоблаш учун уч-тўрт ҳафта вақт талаб қилинган бўлса, ҳозир бу жараён узоғи билан икки ҳафта давом этади.

— Абитуриентларни тест синовларидан четлатиш ҳоллари ҳам учраб туради...

— Тест синовларининг асосий афзалликларидан бири — ҳамма учун бир хил шароит яратилишидадир. Айрим абитуриентлар шпаргалка, мобил алоқа ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, ўзи учун бошқаларга нисбатан яхшироқ имконият яратмоқчи бўлади. Афсуски, қўлга тушиб, синовдан четлаштирилган ҳолатлар ҳам кам эмас. Ўтган йили мингга яқин абитуриент қоидаларни бузганлиги сабабли тест синовидан четлаштирилган. Бундай ноҳалол усулларнинг самарасини камайтириш борасидаги ишларимиз яхши натижа беряпти.

— Абитуриент тест синовлари натижасидан норози бўлса, ўз фикрини исботлаш учун имконият — апелляция жараёни бор. Бу масалада мурожаатлар кўпми?

— 2006 йил бир ярим минг абитуриент апелляцияга мурожаат қилган бўлса, ўтган йил уларнинг сони икки мингдан ошди. Аризалар бир ой давомида кўриб чиқилади. Абитуриентнинг жавоблар варақларини топиб, экспертлар фикрини ўрганиб, хулосаларини оламиз. Абитуриент, агар истаса, ота-онаси иштирокида ушбу хулосалар билан танишади.



Шикоят қилганларнинг аксариятини тест натижасини яна бир бор кўриб, амин бўлиш ниятидаги абитуриентлар ташкил этади. Яна бир хил абитуриентлар китобни ва жавоблар варағини тўлдириш, жавобларни белгилашда хатоликларга йўл қўйишади. Афсуски, бу ҳолда тест саволларига жавоблар тўғри бўлса ҳам, натижа абитуриент фойдасига ҳал бўлмайди.

Баъзи шикоятларни ўрганганимизда, техник камчиликлар оқибатида, жумладан, бир абитуриентнинг имтиёзи бошқасига ёзилиши, варақлардаги босмахонанинг техник камчиликлари туфайли англашилмовчиликлар рўй бергани маълум бўлди. Улар, албатта, талабалар сафига қўшилдилар. Хуллас, апелляцияга бериш, унинг хулосаларини олишда ҳеч қандай муаммо йўқ.

— «Тест синовларида ҳам таниш-билишчилик қилса бўларкан, йўли бор экан», деган гапларга қандай қарайсиз?

— Афсуски, орамизда фирибгарлар домига тушиб қоладиган содда одамлар ҳам йўқ эмас. Фирибгарларнинг алдаш йўли жуда оддий: таниши орқали ўқишга киритиб қўйишга ваъда бериб, худди сиз каби тест натижасини пойлайди, холос. Аслида, ҳожатбардан эмас, тест синовларини тўғри еча олган фарзандингиздан, унинг билимидан миннатдор бўлишингиз керак.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Шарофат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида муҳим роль ўйнаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тегишли қонунлар билан тартибга солиниб ва бошқариб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси 2008 йил 18 июнь куни Фарғона шаҳрида ўтказган сайёр мажлисда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятида ижро этилиши натижалари кўриб чиқилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРА БОРИБ

Мазкур Қонун нормалари талабларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари ўз ваколатларини қандай амалга ошираётганлиги борасидаги аҳволни аниқлаш мақсадида аввал мониторинг ўтказилди.

Мажлисда Фарғона вилоятида 1008 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ишлаб турганлиги, уларнинг ҳаммаси жой, керакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлиги, 948 таси балансида бино борлиги, 41 тасида маҳалла гузарлари барпо этилганлиги айтилди. 2008 йил 1 июнь ҳолатига кўра, фуқаролар йиғинларидан 296 таси (29,3 фоизи) компьютер билан таъминланган, 544 тасида (53,9 фоизида) телефон алоқаси ўрнатилган.

Қонун талабларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан шаҳар, туман ва вилоят ҳокимликлари, шунингдек, тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб бормоқда. 2007 йилда ва жорий йилнинг беш ойи мобайнида вилоятда фуқаролар йиғинлари қўмагида 29170 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Ана шу муддат мобайнида бўш иш жойларининг қирқта ярмаркаси ўтказилди, уларда 1116 та корхона ва 8697 та ташкилот иштирок этди. Ўтказилган меҳнат ярмаркалари шарофати билан 2354 киши, шу жумладан, 1047 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида касаначилик йўли билан 2760 иш ўрни яратилди.

Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари ўз фаолиятларида фуқароларни қабул қилиш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш масалаларига етарли даражада эътибор бермоқдалар. 2008 йил 1 июнь ҳолатига кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари томонидан гўдак ва вояга етмаган фарзандлари бор 171571 оилага жами 23,3 миллиард сўм миқдорида нафақа берилди, кам таъминланган оилалардан 35156 тасига жами 1,5 миллиард сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмунмоҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан изчил иш олиб бормоқдалар, сиёсий, ҳуқуқий маданиятни оширишга, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга қаратилган тадбирлар ташкил этмоқдалар.

Сенаторлар муҳокама асносида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш механизмини янада такомиллаштириш, фуқаролар йиғинларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, адлия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш юзасидан бир қанча таклифлар билдирдилар.

Анжуманда, хусусан, фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини яхшилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида тезкорлик билан, кенг ёритиб бориш зарурлиги таъкидланди, мазкур органлар фаолиятига тааллуқли қатор таклифлар айтилди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Сайёр мажлисда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, адлия ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш идоралари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, диний муассасалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

Ифтихор

ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Пойтахтимизда бўлиб ўтган кимё фани бўйича ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадасида ўн беш давлат вакиллари ўртасида юртимиз ўғил-қизлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаганини эшитиб, кўплар қатори мен ҳам ғурурланиб кетдим. Чунки бу мамлакатимизда биз, ёшларга қаратилган эътиборга муносиб натижа эди. Самарқандда олимпиада иштирокчилари билан суҳбатлашдим. Мамлакатимизда дунёнинг ҳеч бир ўлкасида учрамайдиган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказиб келинаётганини айтганимда, чет эллик ўқувчилар бунга қизиқиб қолишди. Хабарингиз бор, шу мусобақалар сабаб республикамизнинг барча жойларида бир-биридан муҳташам стадионлар, теннис кортлари, сув ҳавзалари қурилди. Натижада қишлоқдаги тенгдошларимиз ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлишди.

Мен мамлакатимизда бўлаётган жуда катта бунёдкорлик ишларини кўриб, очиғи, ғурурланаман. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг биз, ёш авлодга бўлган юксак эътиборининг белгисидир. Хотира ва қадрлаш кунида Президентимизнинг журналистларга берган интервьюсини телевизор орқали кўриб, қалбим ифтихорга тўлди. Чунки давлатимиз раҳбари ҳар бир нутқида, чиқишида ёшлар масаласи кун тартибида турган долзарб масалалардан бири эканини алоҳида уқтиради. Бизлар муносиб ҳаёт кечиришимиз учун имконият эшикларини янада кенгроқ очиш йўлларини ахтаради. Бунинг учун биз истиқлолимизга шукроналар айтиб, озод осмон остида, обод мамлакатда яшаётганимиздан фахрланса арзийди. Биз ҳам ана шу ишончга муносиб бўлиш йўлида изланиб, катта ютуқларга эришишимиз керак. Чунки мамлакатимизда бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Фирдавс УМАРОВ,
СамДУ талабаси.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БЎЛИМИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1	Наманган вилояти, Наманган тумани, Тошбулоқ шаҳарчасидаги маданият саройи фасади ва фойесини жорий таъмирлаш	73 108 623	2008 йил 1 сентябрь

Буюртмачи: Наманган тумани, Тошбулоқ шаҳарчасида жойлашган Наманган туман ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бўлими.

Телефон: (8-369) 47-21-230.

Қурилиш ишлари маҳаллий маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91,

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

ДУНЁГА ДУНЁ УЛАШАЁТГАН КОРХОНА

Бугун кўплаб тадбиркорларимиз дунёга юзланишаётгани, ишларини жаҳон бозори талабларига қараб ростлаётгани айни ҳақиқат. Тилимизни безаб турган «дунё» сўзининг яна бир маъноси — бойлик, хазина демакдир. Агар шундай бўлса, дунёга дунё улашаётганлар сафидан «ЭАУСС Яккабоғтекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси муносиб ўрин эгаллайди. Бундан уч йил бурун хусусий сармоя ва хорижий банк кредити асосида барпо этилган қўшма корхона 2,5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга эди.

Корхонанинг бош менежери Эшқувват Ашуровнинг айтишича, улар ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Қарийб 300 минг долларга Германиянинг «Truschler» ва «Textima» компанияларидан харид қилинган ва фойдаланилаётган янги ускуналар ёрдамида ўтган йили 2761 тонна ип-калава ҳамда 289 тонна прима момиғи ишлаб чиқарилди. Экспортга 4 миллион 132,7 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот чиқарилди. Бир йилнинг ўзида ишлаб чиқариш қуввати 40 фоизга ўсди.

Ишчи-хизматчилари асосан ёшлардан иборат бўлган қўшма корхонада бу йилги кўрсаткичлар ҳам юқори бўлаяпти. Қўшма корхона раҳбарияти, бутун жамоа янги-янги режаларни тузишмоқда. Келгуси икки йил ичида шу жойнинг ўзида трикотаж матолари ишлаб чиқариш тўқимачилик мажмуини ишга туширишга аҳд қилишган. Бунинг учун Европадаги компаниялар билан ҳамкорлик қилиш, юқори унумли, энг замонавий дастгоҳларни ўрнатиш талаб қилинади. Бу ният ҳам, албатта, амалга ошади.

Юнус УЗОҚОВ

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА !

Андижон вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

ЛОТ-1. Пахтаобод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги мавжуд сузиш ҳавзасини мукаммал таъмирлаш.

ЛОТ-2. *Избоскан туманидаги «Элотан» ҚФЙ ҳудудидаги мавжуд сузиш ҳавзасини мукаммал таъмирлаш.*

Буюртмачи: ***Андижон вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.*** *(Андижон ш., А.Навоий шоҳ кўчаси, 45-уй).*

Таъмирлаш ишларини молиялаштириш: **буюртмачига ажратилган республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади**.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролиқ-муомала, ҳуқуқий, лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон ш. Б.Ҳакимов кўчаси, 14 а-уй, тел.факс 24-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — ***60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати, оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Вниманию организаций и предприятий!

Акционерная компания «Узкурилишматериаллари»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)

на поставку запасных частей компрессорному оборудованию для ОАО «Кызылкумцемент»

ЛОТ 1. Запасные части для компрессоров К250-61-5 согласно перечню	**Заказчик ОАО «Кызылкумцемент»**
ЛОТ 2. Запасные части для компрессоров К500-61-1 согласно перечню	
ЛОТ 3. Запасные части для компресса К525. Воздухоохладитель промежуточный, чертеж 195.84.СБ-01 в количестве 4 шт.	
ЛОТ 4. Запасные части для нагнетателя Э200-31-1. Редуктор чертеж 9704.000.000СБ-05 в количестве 2 шт.	

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта).

Поставляемые запасные части должны соответствовать мировым аналогам.

Для участия в торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратится с запросом к организатору торга — Акционерная компания «Узкурилишматериаллари». Тендерная документация выдается после уплаты не возвращаемой суммы 600 долларов.

Источник финансирование за счет собственных средств предприятий заказчиков.

Условия поставки CPT — г.Наваи.

Платежные реквизиты:
АК «Узкурилишматериаллари»
Адрес: г. Ташкент, Миракилова 68ª
Расчетный счет: 20210000200127064001
SWIFT BIC: UJSIUZ22, UZPROMSTROYBANK
TASHKENT, UZBEKISTAN
CHIPS UID: 353886
TELEX : 116342TRONUZ
Валютных счет: 20210840500127064002
МФО 00424 город Ташкент
Идентификационный номер 200625030

Конкурсные предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Миракилова 68а. АК «Узкурилишматериаллари» тел: 254-48-39, 254-97-29
факс: 255-77-07,

Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт.
Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

БИТИМ РАД ЭТИЛДИ

Греция парламенти Лиссабон битими бўйича сайлов ўтказишга қарши чиқди, деб хабар беради France Press. 296 нафар депутатдан 152 нафари умуммиллий сайлов ўтказишни қўллаб-қувватламади. Референдум ўтказиш ҳақида қонун қабул қилиш учун эса 180 овоз керак эди. Ислоҳотлар тўғрисидаги Лиссабон битими Европанинг янги конституцияси ўрнида Иттифоқнинг 27 та давлатида ратификация қилиш учун таклиф этилган. Ирландияда қабул қилинмаган битим ўша куни Греция парламенти томонидан ратификация қилинди. Аммо парламент қўшимча равишда референдум ўтказиш лозим деб топди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Испаниянинг Сарагоса шаҳрида «Экспо-2008» халқаро ихтисослашган кўргазма очилди, деб хабар беради РАТАТАСС. «Сув ва барқарор ривожланиш» мавзуида ўтказилаётган ушбу кўргазмада юздан зиёд мамлакатдан юзлаб компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Унда сувдаги ҳайвонот ва наботот дунёсини ўз ичига олган аквариумлар, сунъий сув ҳавзалари ва боғлар намойиш этилмоқда.

Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, кўргазмага олти миллиондан зиёд киши ташриф буюриши кутилмоқда. Тадбир доирасида кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган. Маълумотларга қараганда, кўргазмани ташкил этиш учун етти юз миллион евродан зиёд маблағ сарфланган.

АСИРЛАР ОЗОД ҚИЛИНДИ

Перулик намойишчилар сешанба куни асир олинган 65 нафар полициячининг 48 нафарини озод этди, деб хабар беради Рейтер. Аввалроқ 12 нафар яраланган полициячи қўйиб юборилган эди. Перу президент аппаратининг раҳбари Алан Гарсиа намойишчиларни музокарага чақирди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада беш мингга яқин перулик намойишчилар Жанубий Перу мис ишлаб чиқарувчи корпорациядан олинадиган солиқни адолатли тақсимлашни талаб қилиб митинг ўтказганди. 17 июнга келиб, намойишчилар сони 20 мингдан ошиб кетди ва улар Перу жанубини Чили билан туташтирувчи асосий магистрал йўлни ёпиб қўйди. Натижада баъзи ҳудудларда истеъмол ва ёқилғи моллари танқислиги юзага келди. Шу туфайли бошланган намойишда полициячилар ва бир генерал асир олинди. Тоғ-кон маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича етакчилардан ҳисобланган Перу иқтисодиёти олти йилдан бери ўсмоқда. Лекин мамлакатда ҳамон қашшоқлик ҳукм сурмоқда.

БЕНИЛЮКС ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛДИ



Бельгия, Нидерландия ва Люксембург раҳбарлари Бенилюкс Иқтисодий иттифоқи тўғрисида шартнома қабул қилди, деб хабар беради РИА Новости. Янги шартнома 2010 йилдан кучга киради. 1944 йил Бельгия, Нидерландия ва Люксембург имзолаган ҳужжат давлатлар ўртасида сармоя, хизмат ва ишчиларнинг эркин ҳаракат қилиши учун асос бўлган. Айни шу иттифоқ Европа Иттифоқи ташкил топишига туртки бўлди. Янги шартномада Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

БУШ МОРАТОРИЙГА ҚАРШИ

АҚШ президенти Жорж Буш конгрессга денгизда нефть ва газ қазиш ишларига мораторийни бекор қилиш ҳақида қонун қабул қилишни таклиф этди. Рейтернинг хабарига кўра, АҚШ конгресси палатасининг энергетика бўйича вакили республикачи Жон Салливан мамлакат нефть харид қилиш ҳажмини камайтириши учун етарли захирага эга эканини маълум қилган. Унинг фикрича, Тинч океани соҳилларида «10 миллиард барелл нефть ва 18 триллион куб фут табиий газ бор». АҚШнинг 48 штати ҳудудида, Аляска ва Гаваидан ташқари, жами 20 миллиард барелл нефть ва 162 триллион куб фут газ захираси мавжуд. Ўтган ҳафта демократлар нефть қазишни бошлаш ҳақидаги қонунни тўхтатиб қўйишди. Қазиш ишларини бошлаш ғоясини илгари сурган республикачи Жон Петерсон 5 июнь куни нефть таннархини туширишва мамлакатни энергетик танқисликдан олиб чиқиш учун мораторийни бекор қилиб, нефть ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида президентга мактуб йўллаган.

ЕВРОПАГА САЁҲАТ

Грузия ташқи ишлар вазири Екатерина Ткешелашвили Брюсселдаги НАТО штаб-квартирасида мамлакатдаги низоли ҳудудларни муҳокама этди, деб хабар беради РИА Новости. Учрашув давомида Ткешелашвили НАТО бош котиби Яап де Хооп Схеффер билан учрашиб, 26+1 шаклидаги Шимолий Атлантик Кенгаш йиғилишида ҳам иштирок этди. Европага сафари давомида вазир 20-22 июнь кунлари халқаро хавфсизлик масалаларига бағишланган 25-халқаро конференцияда иштирок этиш учун Италияга ташриф буюради. 25 июнь куни эса у Грузиянинг янги дўстлари — Польша, Болгария, Руминия, Чехия, Эстония, Литва ва Латвия ташқи ишлар вазирлари билан учрашади.

ПАРРАНДА КАСАЛЛИГИ АНИҚЛАНДИ

Финляндиянинг шарқий қисмида хавфли парранда касаллиги аниқланди. Бу ҳақда мамлакат ветеринария хавфсизлиги хизмати маълум қилди. Хабарларга қараганда, Порво шаҳридаги тўрт юзга яқин кабутарда ушбу касалликни келтириб чиқарувчи «Ньюкасла» вируси аниқланган.

Финляндия ветеринария хавфсизлиги хизмати ходимларининг сўзларига кўра, мазкур хасталикка нафақат ёввойи қушлар, балки уй паррандалари ҳам чалиниши мумкин. Касаллик юқумли бўлиб, ўлимга олиб келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Ньюкасла» вируси инсон учун хавфсиз. Бироқ баъзи ҳолларда у кўз ва нафас йўлига салбий таъсир этиши мумкин...

«МАҚСАД БИР, ҒОЯ БИР, ВАТАН ЯГОНА!»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастлаб тадбирнинг илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов сўзга чиқиб, барчани дўстлик байрами билан самимий табриклади. Семинар давомида миллати ва динидан қатъи назар, малакатимизда яшаётган ҳамма инсонлар Ўзбекистон халқи деган ном остида бирлашгани, улар учун Ватан, миллий ғоя ягона эканлиги ҳақида гапирилди. Шунингдек, юртимизда ҳар бир миллатнинг анъана, урф-одатлари, она тили ва маданиятини эъзозлаш, уни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганлиги эътироф этиб ўтилди. Юртимиздаги

диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги ҳам умуминсоний қадриятларни юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Маълумотларга кўра, бугун вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги 9 та мактабда рус, 6 тасида тожик, 4 тасида эса қирғиз тилида таълим бериляпти. Рус, корейс ва қирғиз миллий-маданий марказларининг фаолияти тобора такомиллашиб бормоқда.

Шунингдек, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Туробов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Сўнгра НамДУ талабаси Умида Зиёвуддинова «Миллатлараро ҳамжиҳатлик — дўстлик ва тинчлик тамойили», НамМПИ илмий тадқиқотчиси Алексей Тадаев «Миллий ғоя — бизнинг ғоя», НамДУ талабаси Алёна Цой «Ўзбекистон — умумий уйимиз», НамМПИ талабаси Татьяна Ким «Давлат тилини билиш — улкан имкониятлар кафолати», НамДУ илмий тадқиқотчиси Икромжон Кўзиқулов «Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни» мавзуларида маъруза қилишди.

— Миллатим рус бўлишига қарамай мен учун ягона ватан — Ўзбекистон, — дейди соф ўзбек тилида Алексей Тадаев. — Шу заминда туғилиб ўсдим, таълим-тарбия олдим. Энг муҳими, келажагим ҳам худди шу юрт билан чамбарчас боғлиқ. Унинг тақдири — менинг тақдирим.

Анжуманнинг кейинги қисмида миллий-маданий марказлар ва вилоят халқ ҳунармандчилиги вакиллари ҳамда талабаларнинг меҳнат маҳсуллари, илмий-ижодий ишлари кўргазмага қўйилди. Ундаги ҳар бир буюм, ашёлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳамжиҳатлик тантанаси Бобур номли маданият ва истироҳат боғининг «Наврўз» майдонида давом этди. Бу ердаги саҳнада турли миллатларнинг куй-қўшиқлари янгради, ҳар хил миллий либослар ҳам рақслар ижросига жозибадорлик бағишлади. Хуллас, ҳамма тенг қувнаб-яйради.

Равшанбек МАМАДИЕВ, «Наманган ҳақиқати» газетаси мухбири.

Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Спорт

«ТерДУ-СУРХОН»НИНГ ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРИ

Бугунги кунда Термиз давлат университетида тўрт минг нафардан ортиқ йигит-қиз турли йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Сўнгги йилларда бу илм даргоҳида талаба-ёшларнинг чуқур билим олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганлиги эътиборлидир. Шу боисдан ҳам ТерДУ талаба-ёшлари нафақат илм эгаллаш бобида, балки спорт турлари бўйича мамлакат биринчиликлари, қатор халқаро турнирларда ҳам муносиб иштирок этишмоқда.

Бундан уч йил муқаддам вилоят спорти тарихида илк маротаба «ТерДУ-Сурхон» қизлар футбол жамоасига асос солинганди. Ҳозирги кунда Бахтиёр Омонтурдиев бош мураббийлик қилаётган мазкур жамоа таркибида нафақат университет талабалари, балки Термиз шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчи-қизлари ҳам тўп суришмоқда. Ўзбекистон чемпионати олий лигасида қатнашаётган термизлик футболчи қизлар дастлабки йили ўнта жамоа ўртасида олтинчи ўринни эгаллаб, мутахассисларда илиқ таассурот қолдиришганди. Охирги икки йилда «ТерДУ-Сурхон» жамоаси чемпионат баҳсларини бешинчи ўрин билан якунлашганди. Ўтган йили Қарши шаҳрида соҳил футболи бўйича ўтказилган илк Ўзбекистон чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалига сазовор бўлишди.

— Саккиз йилдан буён енгил атлетика билан шуғулланаман, — дейди жамоа сардори Нигора Муҳаммадиева. — Спортга бўлган қизиқиш мени Термиз давлат университети жисмоний маданият факультетига етаклади. Ҳозир университетда таҳсил олиш билан бирга, жуда кўплаб мусобақаларда иштирок этиб келаяпман. Енгил атлетика бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпионати совриндори бўлдим. Ўтган йили республика талаба-ёшларининг «Универсиада-2007» баҳсларида 100 ва 200 метр масофаларга югуриш бўйича бронза медаллари билан тақдирландим. Университетимиз қошида қизлар футбол жамоаси очилганлигини эшитиб, биринчилардан бўлиб унга аъзо бўлдим ва мамлакатимиз қизлар терма жамоасига номзодлар қаторидан жой олдим. Ниятимиз мамлакат чемпионати ва Ўзбекистон кубоги мусобақаларида воҳамиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғалаба қозонишдир. Бунинг учун эса кучимиз ҳам, маҳоратимиз ҳам етади.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✧✧✧

Эркин ХОЛБОБО олган сурат.

EURO2008 Austria-Switzerland

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР

Австрия ва Швейцария яшил майдонларида ўтказилаётган XIII Европа чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Кутилганидек, мусобақанинг «В» гуруҳидан Хорватия ва Германия терма жамоалари чорак финал баҳсларига йўлланма олишди.

Гуруҳнинг сўнгги турида Польша — Хорватия, Австрия — Германия терма жамоалари учрашувларида бир хил — 0:1 ҳисоби қайд этилди. Қуръага кўра, энди чорак финал учрашувларида Хорватия футболчилари «А» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Туркия терма жамоасига, Германия вакиллари эса ўтган Европа чемпионати финалчиси португалияликларга қарши майдонга чиқишади.

«С» гуруҳида ўтказилган учинчи тур ўйинлари ҳам барчанинг диққат марказида турди. Агар ушбу турда дастлабки икки учрашувда дуранг натижа қайд этган Руминия терма жамоаси голландияликларни мағлуб этса, чорак финалга йўлланмани қўлга киритарди. Аммо рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллаган Марко ван Бастен шогирдлари бунга ҳеч қандай имкон беришмади.

Иккинчи учрашувда эса ўтган жаҳон чемпионати финалчилари Италия — Франция терма жамоалари ўзаро рўбаро келдилар. Ўйиннинг 24-дақиқасида жарима майдончаси ичида французлар ҳимоячиси Эрик Абидалнинг рақиб ҳужумчисини кўполлик билан тўхтатиб қолганлиги Франция терма жамоасига қимматга тушди. Ҳакам Грегори Купе қўриқлаётган дарвоза томон пенальти белгилаш билан биргаликда Абидалга қизил карточка кўрсатди. Жарима тўпини эса Андреа Пирло бехато амалга ошириб ҳисобни очди. Майдонда бир киши кўп бўлиб ҳаракат қилган италияликлар иккинчи бўлимда рақибларини яна бир бор ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилишди — 2:0.

Мазкур муҳим ғалаба Италия футболчиларига кейинги босқич йўлланмасини тортиқ қилди. Энди Роберто Донадони бош мураббийлик қилаётган Италия терма жамоаси чорак финалда «Д» гуруҳи пешқадами Испания вакилларига қарши тўп суришади. Голландияликлар эса навбатдаги босқичда кеча кечқурун ўтказилган «Д» гуруҳининг Россия — Швеция терма жамоалари учрашуви ғолибига қарши майдонга тушишади.

Бугун бўладиган чорак финалнинг илк учрашувида Португалия — Туркия футболчилари дастлабки ярим финалчи номини аниқлайдилар.

Эркин ХОЛБОБО

СУРХОН ОРОМГОҲЛАРИ ФАЙЗИ

Иссиғи тобора баландлаб бораётган ёзнинг гашти соя-салқин жойларда янада яхшироқ сезилади. Хусусан, инсоннинг болалик онлари салқин ва хушҳаво оромгоҳларда кечса, нақадар яхши. Саратон жазирамалари кечадиган Сурхон воҳасида «Чинорбулоқ», «Чашма», «Вахшивор», «Хонжиза», «Нефтчи», Х.Қулниёзов номли болалар оромгоҳлари борки, улардаги салқинлик одамга ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Бу йил оромгоҳларда болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун пухта ҳозирлик кўрилди. Шу кунларда мавжуд оромгоҳларда 350 нафардан ортиқ ўқувчи кўнгилли ҳордиқ чиқараётир.

«Туркистон-пресс»

Фанимиз фидойилари

ОЛИМАНИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

Аслида йўллар дарёлар сингари мамлакатнинг қон томирлари ҳисобланади. Дарёларда сув, йўлларда эса одамларнинг ҳаёти, гоҳ сел бўлиб, гоҳ жилға бўлиб оқади. Замонавий тараққиёт шиддати шуни тақозо этмоқда. Бугун Юртбошимизнинг ташаббуси билан халқаро, давлат ва маҳаллий нуфузга эга бўлган, замонавий талабларга жавоб берадиган равон йўллар, ер ости йўллари, кўприклар қурилаяпти. Булар кўркамлиги, ўзига хос кўринишиби билан кўзни қувонтиради. Одамларнинг турмуш шароити ҳам шуларга монанд ривожланмоқда. Бу хайрли ва савобли ишларнинг амалга ошишида кўплаб олимлар, муҳандислар, усталар ва оддий ишчилар фаол иштирок этишмоқда.

Ана шундай заҳматкаш инсонлар орасида ўзбекнинг жисмонан ушоққина бўлса ҳам, маънан забардаст бир қизи — Аълохон Қодирова (Эшонхўжаева) ҳам бор.

Ўзбекистон мусиқа маданиятига муносиб ҳисса қўшган, 1943 йилда иккинчи жаҳон уруши қурбони бўлган Расул Эшонхўжаев билан оддий зиёли Иқболхон ая Камолхўжа қизининг фарзанди Аълохон дастлаб Тошкент политехника институтига «Автомобиль йўллари муҳандислиги» мутахассислигини танлаб, ўқишга кирди. Тиришқоқ қиз ўқишни битиргач, ўз илмий фаолиятини Москва автомобиль йўллари институти аспирантурасида бошлади. У ерда кўзга кўринган олимлардан сабоқ олди, кўприкларнинг жойини танлаш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бундай мавзуга ҳали ҳеч ким қўл урмаган эди.

Илмий ишини муваффақиятли якунлаган Аълохон Москвадан ёруғ юз билан қайтиб келгач, 1965 йилдан бошлаб, Тошкент политехника институтининг Йўл қурилиши факультетида педагогик фаолиятини бошлади. Аввалига ассистент, кейин эса доцент бўлди.

Тошкент автомобиль йўллари институти ташкил этилгач, Аълохонни кафедра мудирлигига таклиф этишди. Йўл мутахассисларини тайёрлаш, ўқув адабиётлари ёзиш, янги-янги йўллар ва кўприкларни лойиҳалаштиришда иштирок этиш, қурилишнинг меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан банд бўлди. Айни вақтда, ўқув жараёнини ривожлантириш, илмий иш билан шуғулланаётган ёш олимларга устозлик қилиш, мадад бериш каби савобли ишларга ҳам бош-қош бўлди.

Олиманинг самарали меҳнатлари зое кетмади. Тошкент автомобиль йўллари институти профессори, Москва автомобиль йўллари институтининг фахрий профессори, Олий таълим аълочиси каби қатор эътирофлар замирида Аълохон Қодированинг заҳматли ва шарафли меҳнати муносиб қадр топганини кўриш мумкин. Яна бир қувончли жиҳати, олима москвалик устозлари ёзган асосий дарсликни таржима қилиб, Ўзбекистон шароитларига мослаштириб, икки жилдлик «Автомобиль йўлларини лойиҳалаш» номли қўлланмани ҳам нашр эттирди. Натижада бўлажак йўлчи мутахассислар ўз она тилларида битилган, фундаментал дарсликка эга бўлдилар.

Демак, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган олима Аълохон Қодированинг ўзига хос тажриба мактаби ҳали кўплаб мутахассису шогирдларига ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Қудрат ДЎСТМУҲАММАД, профессор, Юнус ЗИЁДОВ, фахрий журналист.

Огоҳ бўлайлик

ФАРЗАНДЛАР УЛҒАЙМОҚДА

уларнинг тарбияси учун барчамиз масъулмиз

Жиноят жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказувчи нохуш қилмишдир. Шу боис у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, жамият томонидан унга ўз вақтида етарлича эътибор қаратилади. Зеро, доно халқимиз билиб айтганидек, касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзал.

Жиноят ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақида гап кетганда айримлар кўз олдига фақат ҳуқуқ-тартибот органлари ёки суд-ҳуқуқ тизими ходимлари келади. Хўш, аслида-чи?

Маълумки, ҳеч бир инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди, ким қандай бўлиб униб-ўсиши, тарбияланиши, яшаши — оиласи ва ён-атрофдаги муҳитга боғлиқ. Агар ота-она фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашса, бундай оиладан нотўғри йўлга кирадиганлар чиқмайди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда таълим муассасалари ва маҳалланинг ҳам ўрни беқиёс. Чунки ёш бола илк дафъа кўрадиган ташқи олам мана шу масканлар бўлади, оилада олинган сабоқ ҳаётда қўлланила бошлайди. Башарти, бола носоғлом муҳитдан чиққан бўлса, муаллиму тарбиячилар, қўни-қўшнилар ва маҳалла оқсоқоллари уни тўғри йўлга йўналтиришда ўзларини бурчли деб билиши зарур. Ахир, «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган пурмаъно ҳикмат бежиз айтилмаган.

Баъзан, бола боғча, мактаб ёки маҳалладош ўртоғининг буюмини рухсатсиз олиб келиб, бемалол ишлатиб юради, аммо ота-она лом-лим демайди. Кўча-кўйда безорилик қилаётган болани кўрса-да, индамай ўтиб кетадиганлар ҳам учрайди. Мана шу арзимаган хатти-ҳаракатлар

вақти келиб, катта жиноятга йўл очади. Эътиборсизлик, лоқайдлик ва бепарволик туфайли бир ёш ниҳол охир-оқибатда жиноятчига айланиб қолади. Келинг, шу ўринда айрим мисолларга мурожаат этайлик.

Қибрайлик 22 ёшли Санжар Қурбоналиев спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда йўловчи Қудратилло Абдуллаевни дўппослайди. Ҳеч бир сабабсиз калтакланган Қ.Абдуллаев шифохонага ётқизилади. Бир қарашда ушбу қилмиш беозориликдан бошқа нарса эмас. Лекин С.Қурбоналиевни яқиндан билганлар унинг бу қилмишидан ўнчалик ҳайрон бўлишмади. Боиси, у кейинги олти йил ичида икки маротаба судланиб чиққан. Ҳар икки ҳолатда ҳам суд унинг ёшлигини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайин этган бўлса-да, Санжар яна жиноятга қўл урди. Суд ишни ўрганиб чиқиб, унга яна бир карра имконият беришни лозим деб топди ва шартли жазо белгилади.

Ҳар бир ота-она фарзандининг яхши инсон бўлишини хоҳлайди. Лекин истак бошқа, амал бошқа. Санжарнинг тарбияси билан ўз вақтида шуғулланмаган ота-онанинг бугун эл-юрт олдида боши эгилган. Хўш, маҳалла-кўй-чи? Улар қаёққа қарашган? Кўчада бир одамни тўрт-беш зўравон дўппослаб ётса-ю, уларни ажратиб қўядиган, танбеҳ берадиган одам топилмаса! Ўша жабрдийда ўрнида ўзимиз бўлишимиз ҳам мумкин-ку!

Яна бир мисол. 1976 йилда таваллуд топган чирчиқлик Фарҳод Охунжонов ҳам тўғри йўлдан адашди. Дастлаб 22 ёшида жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум қилинди. Икки йилдан сўнг амнистияга асосан жазодан озод этилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Яна жиноятга қўл урди.

Фарҳод ҳам Санжар сингари спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда бозордан қайтаётган Гулчеҳра ва Ризоят Райимбаеваларнинг йўлини тўсган. Опа-сингилни қўркитиб, улардан пул талаб қилган, калтаклаган. Чорасиз қолган аёллар топган-тутган пулини Ф.Охунжоновга бериб қутулган. Суд унинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Бир қарашда юқорида айтилганидек, безорилик у қадар хавфли бўлиб туюлмайди, лекин унинг замирида катта жиноятларни келтириб чиқарувчи омил ётади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, кўп нохуш ишлар лоқайдлик, эътиборсизлик туфайли юз беради. Оилада фарзанд улғаётган экан, ҳар биримиз унинг таълим-тарбияси, камолотига масъулмиз.

Абдураҳмон ТОҲИРОВ, Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг судьяси.

(Газетанинг навбатдаги сони 24 июнь, сешанба куни чиқади.)

Тошкент темир йўл муҳандислари институти раҳбарияти ва жамоаси меҳнат муҳофазаси, экология кафедраси мудири, техника фанлари доктори Раҳима Халиловага онаси **ИРСАЛ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
12311 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda